



Аштархонийлар сулоласининг учинчи вакили Имомкулихон (1611-1642) хукмронлик даври давлат хокимиятининг бир оз бўлса-да кучайиши, сиёсий баркарорликнинг ўрнатилиши, ўзаро ички низоларга чек қўйилиши билан изоҳланади. Унинг даврида Бухорода Лабиховуз, Нодир-девонбеги хонакоси ва мадрасаси, Регистонда Поянда масжиди қурилди.

Имомкулихон Бухоро тахти даъвогарларидан бири, Обивард хукмдори аштархоний Динмухаммадхоннинг катта ўгли эди. Лекин унга тўлик ота тарбиясини олиш насиб этмади. XVII аср бошларида Динмухаммадхон Бухоро тахтини қабул қилиш учун Обиварддан Бухорога келаётганда йўлда ўлдирилди. Унга қадар, яъни «қизилбошлар» билан шиддатли жанглар кетаётган пайтда Имомкулихон ўз онаси ва укаси Надрмухаммадхон билан биргаликда Обиварддан Мовароуннахрга жўнатилган эди. XVII асрнинг 10-йилларига қадар Имомкулихон Бухоро хонлиги сиёсий ҳаётига аралашмади. Бу даврда амакилари Бокимухаммадхон (1601-1605), Валимухаммадхон (1605-1611) бирин-кетин мамлакатни бошқаришди. Валимухаммадхон Бухоро тахтини эгаллаб, Шохбек қўқалдошни Балх ноиби этиб тайинлагандан сўнг, қўп ўтмай Имомкулихон ва Валимухаммадхон ўртасида ихтилофлар келиб чиқди ва Валимухаммадхонга қарши фитна тайёрлана бошланди. Чунки Валимухаммадхоннинг Балхдаги ноиби Шохбек қўқалдош Балх ахлига беҳад зулм қилаётган эди. Фитнадан хабар топган Валимухаммадхон Эрон подшоси шох Аббос хузурига шошилди ва ундан ҳарбий мадад олиб, жияни Имомкулихонга қарши от сурди. Амакисининг «қизилбошлар» билан тил бириктирганини эшитган Имомкулихон жуда ҳафа бўлди ва дин пешвоси Хўжа Хошимий рухий мададига суянишни афзал кўрди. Валимухаммадхон билан Имомкулихон ўртасида бўлиб ўтган жангларда Валимухаммадхон мағлуб бўлиб, асирга тушди. Уни Имомкулихон олдига олиб келишди ва Имомкулихоннинг буйруғи билан қалласи танасидан жудо қилинди. Имомкулихоннинг 38 йиллик хукмронлигининг ибтидоси ўз амакиси Валимухаммадхонни қатл этиш билан бошланди. Бу воқеа 1611 йилда содир бўлди.

Имомкулихон ўз сиёсатини ўрта асрлар учун анъанавий бўлган ўзга ҳудудларни босиб олиб, мамлакат чегараларини кенгайтиришдан бошлади. 1613 йилдаги Тошкент воқеалари бунга мисолдир. Тошкент воқеалари Имомкулихон сиёсатидаги хунрезлик ва истибдоднинг энг юқори поғонаси бўлди. Шимолда яшовчи козоклар, қалмиқлар шу йили Мовароуннахр ҳудудларига, жумладан, Тошкентга ҳужум қилишди. Имомкулихон козоклар ва қалмиқларга қарши от суриб, уларни Мовароуннахрдан қувиб чиқаришга муваффақ бўлди.

Зафар кучган Имомкулихон ўз ўгли Искандархонни Тошкентга хоким этиб тайинлайди. Искандархоннинг Тошкент ахолисига ўтказган зулму зўравонликлари, солиқлар миқдорини ошириши ялпи норозиликни келтириб чиқарди ва Искандархон ўлдирилди. Бу машъум хабар Имомкулихонга бориб етгач, у Балхга, ўз укаси Надрмухаммадхонга мактуб ёзиб, уни бу воқеадан огоҳ этди. Сўнгра катта кўшин хамрохлигида Тошкентга йўл олди. Надрмухаммадхон ҳам акасига ёрдам бериш учун Тошкентга юзланди. Ака-укалар кўшини бирлашиб бир ой мобайнида Тошкентни камал қилиб турди. Шахар дарвозаларидан бири ёндириб юборилди ва Имомкулихон лашкарлари Тошкентга кириб киргин бошлашди. Ёшу қари баравар тигдан ўтказилди. Киргин шу даражага бориб етдики, мазлумлар фарёдига дош бера олмаган Имомкулихон лашкарбошилари кон тўқиш мислсиз тус олганлигини тан олиб Имомкулихонга киргинни тўхтатишни маслаҳат беришди. Имомкулихон бунга жавобан шундай деди: «Ўғлимнинг хуни учун Тошкент ахолисининг қони отимнинг узангисига етмагунча киргинни тўхтатмайман, деб қасам ичганман». Лашкарбошилар хонни бу йўлдан қайтаришнинг бошқа чорасини топишди. Улар факих (қонуншунос)ларга мурожаат қилишди. Факихлар эса, Имомкулихонни отда суви узангига етадиган ховузга кириши ва ховуз сувига катл этилган одамлар қони аралаштирилиши тўғрисида фатво чиқаришди. Имомкулихон шундай қилгач, газаби пасайди ва киргинни тўхтатди.

Мамлакат ҳудудларини қенгайтириб, бошқарув тизимини қўлга олган Имомкулихон ички ахволни яхшилашга эътибор қаратди. Баъзан у кечқурунлари қийимини ўзгартириб шаҳар айланишга чиқарди ва шу йўл билан хақиқий ахволни англашга, мавжуд қусурларни бартараф қилишга ҳаракат қиларди. Унинг табиатида илм аҳлига, дарвешларга мойиллик ҳам мавжуд эди. У олимлар, шоирлар, дарвишлар, ўз замонасининг улуглари суҳбатини яхши кўрган. Ўзи ҳам сўфиёна шеърлар машқ қилган. У айниқса, шайх Мавлоно Юсуф Қорабоғий суҳбатларини хуш кўрарди. Мавлоно Юсуф Қорабоғий Хуросондан Бухорога келиб, бу ерда Муллои Нав таҳаллуси билан машҳур бўлган Мирзожон Шерозийга мурид бўлади ва Имомкулихон даврида тарикатда қамолотга эришади. 1643 йилда вафот этиб Бухоро атрофидаги Сафидмўй кишлогига дафн қилинади.

Шоирлардан Туробий ва Нахлийга Имомкулихоннинг ҳурмати баланд эди. Шоир Нахлий Имомкулихонга бағишлаб мадҳия ёзади ва бунинг эвазига унинг моддий муруватларидан баҳраманд бўлади.

Имомкулихон фаолиятида Жўйбор хўжаларига муносабат алоҳида ўрин тутарди. У бу хонадон ижтимоий салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда хонадон вакиллари билан яхши алоқа ўрнатади. Ўз синглисини Жўйбор хўжалари вакили Хўжа Тожиддинга (1574-1646) никоҳлаб бериб, хон салтанати мавқеини мустаҳкамлашга ҳаракат қилди. Ўз навбатида Хўжа Тожиддин илтимосларини ҳам ерда қолдирмасди. Баъзан оху ови билан машғул бўлган Имомкулихоннинг бир бор ови бароридан қелмади. Бундан даргазаб бўлиб ўз лашкарларига ов қилинаётган ҳудуд атрофларида яшаётган ахолининг мол-мулкини талашга буюрди. Лекин Хўжа Тожиддин аралашуви билан ахоли мол-мулки қоратдан сақлаб қолинди. Айрим давлат лавозимларига одам тайинлашда Имомкулихон Хўжа Тожиддин маслаҳатларини олиб турган.

Жўйбор хўжаларининг бошқа бир вакили – Муҳаммад Юсуф Хўжа (1593-1651) билан Имомкулихон муносабатлари жуда яхши эди. Унга Имомкулихон томонидан қўплаб инъомлар қилинган. Лекин хўжазодаларнинг бошқа бир вакили Абдурахим Хўжа (1575-1628) билан Имомкулихон ўртасида ўзаро қелишув амалга ошмади. Улар ўртасида

юз берган ихтилоф окибатида Абдурахим Хўжа хажга кетишга мажбур бўлади, Мол-мулки эса Имомкулихон буйруги билан мусодара қилинади . Унинг ташаббуси билан Сумитанда бошланган мадраса қурилиши охирига етказилмай қолди ва гишталари турли мақсадларда ташиб кетилди .

Имомкулихон ўз ҳукмронлигининг охириги йилларида кўз оғриги касалига чалинди. Табиблар ҳам унинг бу дардига шифо топишолмади. Охир-окибат у ожиз бўлиб қолди. Бухоро тахтидан воз кечди ва уқаси Надрмухаммадхонни Балхдан Бухорога таклиф қилиб, уни тахтга ўтказди. Ўзи эса Каъбатуллога хажга кетди. Умрининг қолган қисмини Мадинада ўтказди ва шу ерда вафот этди.

Тарихчи Мухаммад Юсуф мунши Имомкулихон ҳукмронлик даврига қуйидагича баҳо берган эди: «Имомкулихон оёқлари давлат узангисида бўлган пайтда, унинг тасарруфидаги бирор жойда – на Балхда, на Бухорода исён ва тартибсизликлар бўлди!» . Шу тарихчи Имомкулихон даврини теурий Султон Хусайн даврига қиёс қилади.

Халим Тўраев, Бухоро Давлат университети доценти, тарих фанлари номзоди